**SUN’IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARINI JORIY QILISH YANGI BOSQICHGA OLIB CHIQILADI**

Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida davlat boshqaruvi, iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarda sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish masalalari yuzasidan videoselektor yig‘ilishi bo‘lib o‘tdi.

Davomi → 2-betda



Jarayon

**BARQAROR O‘SISH VA “YASHIL” RIVOJLANISH YO‘NALISHLARI MUHOKAMA QILINDI**

Davomi → 3-betda

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА / IQTISODIY GAZETA

# BIZNES DAILY BIRJA

GAZETA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI KO‘MAGI BILAN CHOP ETILADI

#85 (3279) 23.10.2025

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

# IT-park loyihasining ikkinchi bosqichiga start berildi







Prezident Shavkat Mirziyoyev 21-oktyabr kuni poytaxtimizning Mirzo Ulug‘bek tumanida joylashgan IT-parkka tashrif buyurib, loyihaning ikkinchi bosqichiga tamal toshi qo‘yish marosimida ishtirok etdi.



Ikki yil oldin 200 million dollar investitsiya hisobiga ushbu loyihaning birinchi bosqichi amalga oshirilgan edi. Qariyb 4 gektar maydonda 20-25 qavatli 6 ta ofis binosi va zamonaviy kongress-xoll barpo etildi.

Bu yerda mutaxassislar uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan, istiqbolli startap loyihalarni qo‘llab-quvvatlash maqsadida inkubatsiya va akseleratsiya dasturlari tashkil etilgan. Axborot texnologiyalari, fintex, logistika,



elektron tijorat, elektron ta’lim, biotexnologiya va boshqa yo‘nalishlardagi loyihalar muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda.

Hozirgi kunda IT-park rezidentlari soni 3 ming 200 ta kompaniyaga yetdi, ularda 14 mingdan ortiq mutaxassis faoliyat yuritmoqda. O‘tgan yili rezidentlar tomonidan 1 milliard 600 million dollarlik xizmat ko‘rsatilgan bo‘lsa, joriy yil yakuni bilan mazkur ko‘rsatkich 2,5 milliard dollardan ortishi kutilmoqda.

Eksport hajmi esa ilk bor 1 milliard dollarlik marradan oshishi rejalashtirilgan.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasiga muvofiq, 300 mingdan ziyod yoshlarni axborot texnologiyalari sohasida yuqori daromadli ish bilan ta’minlash maqsad qilingan. Xorijiy ekspertlar faqatgina sun’iy intellekt yo‘nalishining o‘zida O‘zbekistonning salohiyatini 10 milliard dollarga baholamoqda.

**– Ishonchim komilki, bugun tamal toshi qo‘yilayotgan ushbu yirik majmua oldimizga qo‘ygan ulkan marralarni zabt etishda, shuningdek, investorlar bilan O‘zbekiston o‘rtasida manfaatli hamkorlikni yanada kuchaytirishda muhim o‘rin tutadi,** – dedi davlatimiz rahbari.

Loyihaga ko‘ra, IT-park hududi 1,5 barobar kengaytiriladi. Bu yerda Saudiya Arabistonining “DataVolt” kompaniyasi bilan hamkorlikda quvvati 12 megavatt bo‘lgan, 150 million dollarlik data-markaz barpo etiladi. Keyingi bosqichlarda yana 3 milliard dollar investitsiya kiritilib, quvvat 500 megavattga yetkaziladi.

Bundan tashqari, ushbu hududda jami 6 ta bino – Sun’iy intellekt markazi, Kosmos va kelajak texnologiyalari markazlari, 2 ta 20 qavatli ofis binosi, shuningdek, servis va savdo markazlari quriladi.

Bir so‘z bilan aytganda, mazkur majmua eng zamonaviy texnologiyalar, innovatsiyalar va bilimlarga asoslangan “Sun’iy intellekt xabi”ga aylanadi.

Prezident Shavkat Mirziyoyev kapsula qo‘yib, “IT-Park” loyihasining ikkinchi bosqichi qurilishiga rasman start berdi.



Jarayon

**O‘zbekiston-Qozog‘iston: ishbilarmonlik hamkorligi mustahkamlanmoqda**




→ 3-betda

Международное сотрудничество

**Узбекистан между ВТО и евразийской интеграцией**



→ 9 стр.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ

REKLAMA VA E’LONLAR BO’LIMI

+998 (99) 353-55-54

telegram BIZNES DAILY BIRJA

# Sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy qilish yangi bosqichga olib chiqiladi



Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida davlat boshqaruvi, iqtisodiyot tarmoqlari va hududlarda sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish masalalari yuzasidan videoselektor yig‘ilishi bo‘lib o‘tdi.

Sun’iy intellekt texnologiyalari iqtisodiyotdan tortib, ta’lim, tibbiyot, qishloq xo‘jaligi va boshqaruv tizimigacha chuqur kirib bormoqda. Yil boshida 2030-yilga borib, dunyo iqtisodiyotida sun’iy intellekt hajmi 15 trillion dollarga yetishi prognoz qilingan bo‘lsa, hozirgi tahlillar mazkur raqam 20 trillion dollardan ortishini ko‘rsatmoqda.

**– Bugun insoniyat yangi sivilizatsiya bosqichiga – sun’iy intellekt davriga dadil qadam qo‘ymoqda. Qaysi soha bo‘lmasin, kim bu jarayonda qattiq izlanib, aniq natija qilsa, bir qadam oldinda yursa, marra shuniki bo‘ladi,** – dedi davlatimiz rahbari.

O‘zbekistonda ham sun’iy intellektni rivojlantirish bo‘yicha alohida qaror qabul qilinib, sohaning huquqiy asoslari yaratildi. Qisqa davrda davlat xizmatlari, bank-moliya, jamoat xavfsizligi, transport kabi yo‘nalishlarda 30 dan ortiq pilot loyihalar ishga tushdi.

O‘tgan yili Sun’iy intellektni 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasi tasdiqlandi. Raqamlashtirish vazirligida ushbu soha bilan ishlaydigan alohida markaz tashkil etildi.

Natijada bir yil ichida mamlakatimiz sun’iy intellektga tayyorgarlik bo‘yicha xalqaro indeksda 17 pog‘ona yuqoriladi, Markaziy Osiyoda 1-o‘rinni egalladi.

Endilikda vazirlar va tarmoq rahbarlarining raqamlashtirishga mas’ul o‘rinbosarlari bir vaqtning o‘zida sohada sun’iy intellektni rivojlantirishga ham javobgar bo‘lishi belgilandi. Shahar va tumanlarda ham hokimlarning raqamlashtirish va sun’iy intellekt bo‘yicha maslahatchisi lavozimi kiritiladi. Kelgusi yildan vazirlik va hududlarda sun’iy intellektni joriy etish holatini baholaydigan reyting tizimi ishga tushiriladi.

Xorijiy ekspertlar O‘zbekistonning sun’iy intellekt sohasidagi salohiyatini 10 milliard dollarga baholamoqda. Buni imkoniyatga aylantirish va dunyoda sun’iy intellektga talab ortib borayotgan hozirgi davrda raqobatdosh bo‘lish uchun 3 ta eng asosiy masala – infratuzilma, ochiq ma’lumotlar va kadrlar tayyorlashga e’tiborni kuchaytirish zarurligi qayd etildi.

Sog‘liqni saqlash, energetika, bank-moliya, bojxona-soliq, transport, tog‘-kon va qishloq xo‘jaligi sohalarida sun’iy intellekt bo‘yicha 100 ta loyiha rejalashtirilgan. Ularni amalga oshirish uchun shunga mos quvvatlar, zamonaviy super kompyuterlar kerak. Lekin hozirgi mavjud quvvatlar faqat kichik loyihalarni ishga tushirish uchun yetadi.

Shu bois, zamonaviy super kompyuter klasterlari va “Data-markaz”larni ko‘paytirish zarurligi qayd etildi. Bu yil 16 ta super kompyuter sotib olish uchun 50 million dollar ajratildi. Keyingi yil bu mablag‘ 2 karra oshiriladi.

Sohaga investitsiyalarni rag‘batlantirish uchun Qoraqalpog‘istonda imtiyozli rejim joriy qilinishi belgilandi. Sun’iy intellekt infratuzilmasiga 100 million dollardan ko‘p sarmoya kiritgan investorlarga elektr energiyasining narxi 5 sent etib belgilanadi, IT-park imtiyozlari tatbiq etiladi, import uskunalari bojxona to‘lovidan ozod etiladi.

Shu bilan birga, olis hududlarni yuqori tezlikdagi internet bilan ta’minlash uchun keyingi yildan “sputnik internet” operatorlarining faoliyati yo‘lga qo‘yiladi. Ular besh yilga yer, mol-mulk, foyda va qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod etiladi.

Vazirlik va idoralardagi ma’lumotlar har xil serverlarda tarqoq saqlanayotgani, ularning formatlari turlicha bo‘lgani sun’iy intellektni jadal rivojlantirishga to‘sqinlik qilayotgani ko‘rsatib o‘tildi. Shu bois, vazirlik va idoralardagi 55 ta, kelasi yil qolgan barcha ma’lumotlar bazalarini yagona “Data-markaz”ga o‘tkazish topshirildi.

**– Sun’iy intellekt dasturlari samarali ishlashi uchun ular, avvalo, o‘zbek tilini mukammal darajada tushunishi zarur,** – dedi davlatimiz rahbari.

O‘zbek tilidagi adabiyotlar, ma’lumotlar, maqolalar, hisobotlar, ilmiy ishlarni raqamlashtirish, sun’iy intellekt milliy madaniyatimiz va qadriyatlarimizni o‘zida ifodalay olishi uchun “O‘zbek tili korpusi”ni yaratish zarurligi qayd etildi.

Prezident sun’iy intellekt sohasida kadrlar tayyorlashni, eng avvalo, maktablardan boshlash kerakligini ta’kidladi.

Shu munosabat bilan keyingi o‘quv yilidan “Informatika” fani o‘quv dasturlariga sun’iy intellektga oid mavzular kiritiladi. Buning uchun Massachusets texnologiyalar instituti bilan hamkorlikda maxsus darslik ishlab chiqiladi.

Yoshlarning sun’iy intellektdan foydalanishga doir g‘oyalarini aniqlash va loyihalarini qo‘llab-quvvatlash maqsadida “Bir million sun’iy intellekt yetakchisi” loyihasi kengaytiriladi, bu bo‘yicha milliy tanlov o‘tkazilib, eng yuqori natija ko‘rsatgan yoshlar, ularning ustozlari va ta’lim tashkilotlari munosib rag‘batlantiriladi.

Yig‘ilishda oliygohlarda sun’iy intellekt laboratoriyalarini tashkil etish choralari ham belgilab olindi. “Yangi O‘zbekiston” universitetida “tarmoq – oliygoh – hamkor” tamoyilida ishlaydigan “sun’iy intellekt klasteri” ishga tushiriladi. Oliy ta’lim muassasalarida sun’iy intellekt, fintex, kiberxavfsizlik, IT-muhandislik, aerokosmik va bulutli texnologiyalar kabi yo‘nalishlar uchun davlat granti kvotalari 35 foizga oshiriladi.

Talabalarning sun’iy intellektga qiziqishini oshirish maqsadida har bir hududda oliygoh jamoalari o‘rtasida sun’iy intellekt bo‘yicha umummilliy tanlov o‘tkaziladi. Mukofot jamg‘armasi 1 million dollar bo‘lgan “Sun’iy intellekt sohasidagi eng yaxshi startap” tanlovi tashkil etiladi.

Umuman, sohani rivojlantirish borasida yetakchi kompaniyalar, xorijiy ekspertlar va vatandoshlarimiz, yirik davlat korxonalari, banklar va oliygohlarning sa’y-harakatlarini birlashtirish maqsadida “Sun’iy intellekt alyansi”ni tuzish taklifi qo‘llab-quvvatlandi.



# Shinjon mahsulotlari namoyish etildi

Poytaxtimizdagi “Anhor Lokomotiv” bog‘i hududida kuz mavsumining eng yirik xalqaro tadbirlaridan biri — O‘zbekiston–Xitoy: 14-Shinjon mahsulotlari ko‘rgazmasining tantanali ochilish marosimi bo‘lib o‘tdi.



Ko‘rgazma O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi ko‘magida hamda Xitoy xalqaro savdoni rivojlantirish kengashining Shinjon vakolatxonasi tomonidan tashkillashtirildi.

Tadbirning asosiy maqsadi O‘zbekiston va Xitoy o‘rtasidagi savdo-iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, kichik va o‘rta biznes vakillariga Sinszyan-Uyg‘ur avtonom rayonida ishlab chiqarilgan mahsulotlar, texnologiyalar va uskunalar bilan yaqindan tanishish imkoniyatini yaratish, ikki mamlakat ishbilarmon doira vakillarining to‘g‘ridan-to‘g‘ri hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘yishiga ko‘maklashishga qaratilgan.

Ko‘rgazma doirasida agrosanoat, maishiy texnika, axborot texnologiyalari, konsalting, oziq-ovqat va ichimliklar, choy ishlab chiqarish, qurilish, to‘qimachilik, tibbiyot va kimyo sanoatlari, logistika va energetika sohalaridagi yetakchi Xitoy kompaniyalarining stendlari namoyish etildi. Ishtirokchilar orasida Bingtian (Xinjiang) Intelligent Technology Co., Ltd, Xinjiang Poplar Cable Manufacturing Co., Ltd, Xinjiang Oulite Wire Mesh Co., Ltd kabi yirik ishlab chiqaruvchilar ham bor edi.

Tadbir doirasida O‘zbekiston va Xitoy tadbirkorlari yangi aloqalar o‘rnatishga, kelgusidagi hamkorlikning amaliy jihatlarini muhokama qilishga muvaffaq bo‘ldilar. Shuningdek, ochilish marosimi doirasida bir qator kelishuvlarga erishilib, hamkorlik memorandumlarini imzolash yuzasidan muzokaralar olib borildi.

# Barqaror o‘sish va “yashil” rivojlanish yo‘nalishlari muhokama qilindi

Jahon banki guruhi va Xalqaro valyuta jamg‘armasining yillik yig‘ilishlari doirasida O‘zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o‘rinbosari – Iqtisodiyot va moliya vaziri Jamshid Qo‘chqorov hamda Jahon bankining Yevropa va Markaziy Osiyo bo‘yicha vitse-prezidenti Antonella Bassani o‘rtasida uchrashuv bo‘lib o‘tdi.

Uchrashuvda Yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasi bo‘yicha barqaror rivojlanish direktori Sameh Vahba, Yevropa va Markaziy Osiyo mintaqasi bo‘yicha infratuzilma direktori Charz Korme, Adolatli o‘sish, moliya va institutlar bo‘yicha mintaqaviy direktori Asad Alam, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki raisi Timur Ishmetov, Iqtisodiyot va moliya vaziri o‘rinbosari Ilhomjon Umrzakov hamda boshqa mas’ullar ishtirok etishdi.

Suhbat chog‘ida O‘zbekistonning joriy makroiqtisodiy holati va o‘rta muddatli iqtisodiy istiqbollari ko‘rib chiqildi. Mamlakatda izchil amalga oshirilayotgan tarkibiy islohotlar hamda barqaror iqtisodiy o‘sishga qaratilgan sa’y-harakatlar alohida qayd etildi.

Tomonlar, shuningdek, “AgriConnect” tashabbusi doirasida hamkorlik imkoniyatlarini muhokama qilishdi. Mazkur tashabbus qishloq xo‘jaligida qiymat zanjirlarini mustahkamlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan. Bundan tashqari, davlat korxonalarini transformatsiya qilish bozor samaradorligini oshirish va xususiy investitsiyalarni jalb etish uchun muhim yo‘nalish sifatida ta’kidlandi.

Atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishiga moslashish masalalari ham uchrashuvda muhim o‘rin egalladi. Tomonlar “yashil” o‘sishni jadallashtirish, suv xavfsizligini ta’minlash va iqlimga chidamli infratuzilmani rivojlantirish zarurligini ta’kidlashdi. Shuningdek, mintaqaviy bog‘liqlikni kuchaytirish, infratuzilma loyihalarini ilgari surish hamda to‘qimachilik sanoatini



ravnaq toptirish, jumladan “Better Work Uzbekistan” dasturini kengaytirish masalalari muhokama qilindi.

Uchrashuv yakunida tomonlar O‘zbekiston va Jahon banki o‘rtasidagi uzoq muddatli hamkorlikni yanada mustahkamlash hamda inklyuziv, bardavom va barqaror o‘sishga erishish yo‘lidagi sa’y-harakatlarni davom ettirishga tayyor ekanliklarini bildirishdi.

**Zamira Tojiyeva.**

# O‘zbekiston-Qozog‘iston: ishbilarmonlik hamkorligi mustahkamlanmoqda

Poytaxtimizda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi hamda Qozog‘iston Savdo va integratsiya vazirligi ko‘magida O‘zbekiston–Qozog‘iston biznes-forumi o‘tkazildi.

Tadbirda ikki mamlakat vazirlik va idoralari, tarmoq birlashmalari hamda biznes doira vakillari ishtirok etishdi. Jumladan, Qozog‘istonning “QazTrade” AJ, “Kedentransservis” AJ, “iMas Group”, “Jain Labo”, “Tazau”, “Medial Group”, “Asyl Dan Trade”, “StalTsink”, “Telli Ondiris”, “Sagintay”, “Muranu”, “Empire Food”, “Zhaik Electric”, “Hi-tech Building”, “Aral Quartz” va “Teplomart” kabi kompaniyalari rahbarlari qatnashdi.

Forum avvalida Investitsiyalar, sanoat va savdo vaziri o‘rinbosari Xurram Teshabayev hamda Qozog‘iston Savdo va integratsiya vaziri o‘rinbosari Aydar Abildabekov so‘zga chiqib, ikki tomonlama savdo-iqtisodiy aloqalarda sezilarli o‘sish kuzatilayotganini va hamkorlikni yanada chuqurlashtirish sari o‘zaro intilish mavjudligini, istiqbolda bir qator yo‘nalishlarda qo‘shma loyihalarni amalga oshirish imkoniyatlari borligini ta’kidlashdi.

Chunonchi, Xurram Teshabayevning ma’lum qilishicha, bugungi kunda ikki qardosh davlat o‘rtasida o‘zaro anglashuv









va ishonchning mustahkam poydevori yaratilib, o‘zaro manfaatli hamkorlikni kengaytirish uchun qulay shart-sharoit yaratilmoqda. So‘nggi yillarda O‘zbekiston va Qozog‘iston o‘rtasidagi tovar ayirboshlash ikki baravar oshdi. Joriy yil boshidan buyon savdo aylanmasi yana 15 foizga ortdi. O‘zbekiston Qozog‘istonga eksport hajmini 3,5 milliard dollarga yetkazmoqchi va asosiy e’tiborni yetkazib berishni diversifikatsiya qilish va yangi mahsulot turlarini rivojlantirishga qaratmoqda. Ayni paytda mamlakatimizda Qozog‘iston kapitali ishtirokida 1000 dan ortiq korxona faoliyat ko‘rsatmoqda. Qozog‘istonlik hamkasblar bilan sheriklikda turli mahsulotlarni ishlab chiqarish bo‘yicha qator sanoat loyihalari amalga oshirildi. Qustanayda avtomobilsozlik, Jizzaxda bazaltni qayta ishlash, Qarag‘andada maishiy texnika, Chimkentda to‘qimachilik, Turkistonda dehqonchilik klasterlarining yo‘lga qo‘yilgani shular jumlasidandir. Shu bilan birga, logistika markazi, pillachilik, to‘qimachilik va chorvachilik klasterlarini tashkil etish, farmatsevtika mahsulotlarini ishlab chiqarish singari qo‘shma loyihalar bajarilmoqda. Yirik yangi tashabbuslar qatoriga Yangi Toshkentda Ostona kvartali qurilishi, alkilbenzol ishlab chiqarish, Namangan viloyatida turizm majmuasini yaratish kiradi. O‘zbekiston-Qozog‘iston chegarasida Xalqaro sanoat kooperatsiyasi markazini tashkil etish loyihasi alohida ahamiyatga ega. Bu borada O‘zbekiston tomonidan qurilish, kimyo va sanoat materiallari ishlab chiqarish, mebel va yog‘ochga ishlov berish, logistika, mashinasozlik kabi sohalarni qamrab olgan 16 ta loyiha ustida ish ketmoqda. Shu bilan birga ikki tomonlama iqtisodiy va sarmoyaviy hamkorlikni sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish mumkin. Masalan, 2024-yilda O‘zbekistonga stanoklar va sanoat uskunalari importi hajmi 5 milliard dollardan oshdi. Shu bois butlovchi va ehtiyot qismlar ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish ustuvor yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. O‘zbekiston mineral resurslar, muhim metallar va xom ashyolarning ulkan bazasiga ega. Hozirda Toshkent va Samarqand viloyatlarida “Kelajak metallari” texnoparklari tashkil etilmoqda. Bundan tashqari, mamlakatimiz qishloq xo‘jaligi sohasi sarmoyadorlariga keng ko‘lamli imtiyoz va preferensiyalar taqdim etmoqda. Masalan, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sotishda “nol” daromad solig‘i stavkasi mavjud, 2026-yil 1-yanvardan esa QQSning “nol” stavkasi qo‘llaniladi. Zamonaviy qishloq xo‘jaligi texnikasi, irrigatsiya tizimlari ishlab chiqarish quvvatlarini, meva-sabzavot, go‘sht va sut mahsulotlarini to‘liq hajmda ishlab chiqarish texnologiyalariga ega agrosanoat klasterlarini hamkorlikda rivojlantirish ikki tomon uchun ham foydali bo‘ladi. Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarida raqamli platformalar, blokcheyn texnologiyalari asosidagi elektron hujjat aylanish tizimlari va sun’iy intellektni rivojlantirish bo‘yicha loyihalarni birgalikda ishlab chiqish mumkin.

O‘z navbatida Aydar Abildabekov Qozog‘istonning iqtisodiy salohiyati, investitsiya imkoniyatlari haqida ma’lumot berib, sanoat, qishloq xo‘jaligi, logistika, qurilish va xizmat ko‘rsatish sohalari istiqbolli hamkorlik yo‘nalishlari ekanligini bildirdi.

Forum yakunida oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish, infratuzilma qurilishini yo‘lga qo‘yish hamda agrosanoat majmuasini yaratish yuzasidan kelishuvlar imzolandi. Tadbir doirasida davlat va biznes vakillari o‘rtasida muzokaralar, ikki mamlakat tadbirkorlarining esa yuzma-yuz muloqotlari uyushtirilib, tajriba almashildi, aniq loyihalar va tashabbuslar muhokama qilindi.

# BIZNES DAILY BIRJA

- **Биржа савдолари натижалари**
- **Биржа бюллетенлари**
- **Котировкалар, листинглар**
- **Танлов ва тендерлар**
- **Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари**
- **Банкротлик**

#85 (3279) 23.10.2025
WWW.BUSINESSDAILY.UZ


Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 16 октябрдаги 4-1101-2401/14210-сонли иш ажримига кўра, “Abdurasul Abdurahim Farm” МЧЖ (СТИР 305004647) корхонасига оид тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилди.

---

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 18 сентябрдаги 4-1501-2503/17162-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Ahliyor-Fayz” МЧЖга (СТИР 304184339) нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартибида тугатишга доир иш бошланган. Суд тугатиш бошқарувчиси этиб Обидов Шухратжон Обидович тайинланди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Муҳандислик кўчаси, 17/1-уйда ўтказилади. Кредиторлар бир ой муддат ичида ўз талаблари билан мурожаат қилишлари мумкин. Телефон: +99893-481-88-51.

---

Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 15 октябрдаги 4-1102-2502/12275-сонли ажримига асосан “Barakali taqa” МЧЖга (СТИР 302611274) ва 4-1102-2502/12537-сонли ажримига асосан “Zaposhivom” МЧЖга (СТИР 309911821) нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилган ва кузатув таомили қўлланилган. Муваққат бошқарувчи этиб Шарипов Санжар Талибович тайинланган.

Даъволар Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун телефонлар: +99897-705-57-45, +99897-733-17-07.

---

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 14 октябрдаги 4-1101-2502/15274-сонли ажримига асосан “Bunyod aktiv biznes” МЧЖга нисбатан “Anvar kon trade export” МЧЖ тугатиш бошқарувчиси аризасига биноан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув таомили жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб Эгамбердиев Хайрулло Ўрақбоевич тайинланган. Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2025 йил 24 ноябрь куни соат 15.00 да Тошкент вилоят СБ биносида ўтказилади.

**Кредиторлар йиғилишида кўриладиган масалалар:**

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Муваққат бошқарувчига иш ҳақи миқдорини белгилаш.
4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига ўтиш тўғрисида иқтисодий судга таклиф киритиш.
5. Бошқа ҳар хил масалалар.

Мурожаат учун тел: +99899-758-37-22.

---

Юкоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 2 октябрдаги 4-1105-2503/45463-сонли ажримига кўра, қарздор-жисмоний шахс Choriev Ravshan Ulash o’gli тўловга қобилиятсиз деб топилган ва унинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш тартиб-таомили жорий этилган. Кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзига доир талабларини қаноатлантиришга нисбатан мораторий жорий этилган.

Юкоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 14 октябрдаги 4-1105-2503/4546-сонли ажримига кўра, қарздор-жисмоний шахс Choriev Ravshan Ulash o’glининг молиявий бошқарувчиси этиб Карабаев Отабек Абиджонович тайинланган.

Кредиторларнинг талаблари “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

Алоқа учун тел: +99894-474-71-74, электрон манзил: karabayevo117@gmail.com

---

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 13 октябрдаги 4-1301-2502/12722-сонли ҳал қилув қарори билан Жиззах шаҳридаги “G’ayrat savdo xarid” МЧЖ (СТИР 302078122) тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш очилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Ахмедов Сахоб Исмаилович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Талабалар кўчаси, “ТРИО” офис биносида ўтказилади.

Мурожаат учун тел: +99893-297-23-45. “G’ayrat savdo xarid” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчакли штамплар 10 (ўн) кун ичида тугатиш (суд) бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, бекор қилинган ҳисобланади.

---

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан қуйидаги қарздор корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, кузатув тартиб-таомили жорий қилинган.

| Т/р | Номи | СТИР | Иктисодий иш рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | “Galerie” МЧЖ | 305734808 | 4-1001-2516/80757 |
| 2 | “Sofi Ruslan” МЧЖ | 309493496 | 4-1001-2512/113988 |

Муваққат бошқарувчи этиб 2-тоифали суд бошқарувчиси Ҳамроев Азизжон Бахшиллоевич тайинланган (манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 186-уй, тел: +99899-880-56-77).

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 17 ноябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 186-уйда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Қарздор жамиятнинг иқтисодий ҳолати юзасидан муваққат бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. Қарздорга нисбатан келгуси таомил:
   - суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш;
   - қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш;
   - санация, ташқи бошқарув ёки тугатиш бошқарувчилари номзодларини маъқуллаш.
4. Муваққат бошқарувчининг иш ҳақини белгилаш.
5. Бошқа масалалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кредиторлардан талабномалари олдиндан муваққат бошқарувчига тақдим этилгандан сўнг, ўзи билан йиғилишга шахсини, ваколатларини тасдиқловчи ҳамда қарздорнинг сизга ёки корхонангизга қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асл нусхаси билан келиши сўралади.

---

Тошкент тумани, Келес шаҳарчаси, Оқибат маҳалласи, Оқибат кўчаси, 89-уйда рўйхатдан ўтган “Nur altin don” МЧЖ (СТИР 309781114) Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 4-1101-2303-9538-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эълон қилинганлиги сабабли унинг муҳр ва штамплари бекор қилинди.

Жамиятга алоқадор дебитор ва кредитор масаласида тугатиш бошқарувчисига +99898- 121-02-90 телефон рақами орқали алоқага чиқиш ёки Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 88-уй, Тошкент вилояти солиқ бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.

---

**“Goodwill Capital” AJ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида ахборот!**

**Ҳурматли акциядорлар!**

“Goodwill Capital” акциядорлик жамияти (жойлашган манзили (почта манзили) Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 218-220-уй, e-mail: info@uns.uz) 2025 йил 14 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 218-220 уйда жойлашган манзилда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтиши тўғрисида хабар қилади.

**Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:**

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тартибини белгилаш.
3. Дивиденд тўлаш.
4. Суғурта фаолияти бўйича дастурий таъминот номоддий активни ҳисобдан чиқариш.
5. Балансдан ташқари ҳисобдаги мол-мулкларни ҳисобдан чиқариш.

**Акциядорларнинг реестрини тузиш санаси:**

Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун – 2025 йил 20 октябрь.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестрини тузиш санаси: 2025 йил 11 ноябрь.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати билан қуйидаги манзилда танишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 218-220-уй (иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача).

Йиғилишда иштирок этиш ва овоз бериш тартиби ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланмаган ҳолда шахсан иштирок этишдан иборат.

Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатга олинаётганда акциядорда паспорт ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, акциядор вакилида эса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: +99871-266-90-14, +99871-266-90-16.

**“Goodwill Capital” АЖ кузатув кенгаши.**

---

**Сообщение о проведении внеочередного общего собрания акционеров**
**АО «Goodwill Capital»**

**Уважаемые акционеры!**

АО «Goodwill Capital», расположенное по адресу (почтовый адрес): г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Буюк Ипак Йули 218-220, e-mail: info@uns.uz, сообщает о проведении внеочередного общего собрания акционеров 14 ноября 2025 года в 10.00 часов по адресу: г. Ташкент, улица Буюк Ипак Йули 218-220 с нижеследующей повесткой дня:

1. Об утверждении количественного и персонального состава счетной комиссии внеочередного общего собрания акционеров Общества.
2. Об утверждении регламента проведения внеочередного общего собрания акционеров Общества.
3. О выплате дивидендов.
4. О списании нематериального актива программного обеспечения по страховой деятельности.
5. О списании имущества на за балансовым счёте.

**Дата составления реестра акционеров:**

для оповещения о проведении общего собрания 20 октября 2025 года,

имеющих право на участие на общем собрании акционеров: 11 ноября 2025 г.

Ознакомиться с материалами, подлежащими предоставлению акционерам при подготовке к проведению внеочередного общего собрания акционеров, можно по следующему адресу: город Ташкент, ул. Буюк Ипак Йули 218-220 с 10.00 часов до 16.00 часов, в рабочие дни.

Порядок участия и голосования на собрании очное, без использования информационно-коммуникационных технологий.

При регистрации для участия в собрании акционер должен иметь при себе паспорт (ID карта) или иной документ, удостоверяющий личность в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан, а представитель акционера, кроме того, надлежаще оформленную доверенность.

Телефоны для получения дополнительной информации: +99871 266 90 14, 266 90 16.

**Наблюдательный совет АО «Goodwill Capital».**

---

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 17 октябрдаги ажримига асосан Дўстлик туманидаги “Grouptextil” МЧЖга (СТИР 207034793, ижро иши: 4-1304-2501/7606) нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Ф.Носиров тайинланган.

Ушбу хўжалик юритувчи субъект кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да (индекс:130100) Жиззах шаҳри, Боғишамол МФЙ, Тоғишамол кўчаси, 1-уйда бўлиб ўтади.

**Кредиторлар йиғилиши кун тартиби:**

1. Кредиторлар йиғилиши раисини сайлаш.
2. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
3. Корхонага нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини қўллаш юзасидан Дўстлик туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
4. Муваққат бошқарувчига ойлик иш ҳақини белгилаш.
5. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номзодини маъқуллаш.
6. Бошқа масалалар.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Жиззах шаҳри, Боғишамол МФЙ, Тоғишамол кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.

Мурожаат учун тел: +99895-417-61-81.

Ушбу йиғилишда кредиторлар қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, вакиллар эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашишлари мумкин.

---

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 10 октябрдаги 4-1801-2503/8820-сонли ажримига асосан “MC burgers” ОК (СТИР 307084792) ва 4-1801-2511/8833-сонли ажримига асосан “Azbexsher Komil” ХКга (СТИР 204921562) нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув тартиб-таомили жорий қилинди. З.Холмуродова муваққат бошқарувчи этиб тайинланди.

Шу муносабат билан юқоридаги корхоналар кредиторларининг йиғилиши 2025 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да Қарши шаҳар, Амир Темур кўчаси, 43-уйда ўтказилиши белгиланди.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида Қарши шаҳар, Қиличбек Қўрғонча МФЙ, Темирчилар кўчаси, 15-уйда қабул қилинади.

Ушбу йиғилишда кредитор шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашишлари шарт.

Маълумот олиш учун тел: +99850-077-58-36.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ажримлари билан қуйидаги корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Чўтов Мамаюсуп Омонович тайинланган.

Мазкур қарздор корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 25 ноябрь куни Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 320-хонасида бўлиб ўтади.

Кредиторлар йиғилишида "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуннинг 89-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳамда ушбу қонунда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Йиғилишда кўриб чиқиладиган материаллар билан танишиш хоҳиши бўлган кредиторлар кузатув жараёнида мурожаат қилишлари мумкин.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 320-хонасида қабул қилинади.

Тел: +99899-888-00-83.

Билдириладиган талаблар "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуннинг 87-моддаси бўйича белгиланган муддатда асослилигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда судга, қарздорга ҳамда муваққат бошқарувчига юборилган тақдирда, ўрганиб чиқилади ҳамда талаблар ўз тасдиғини топса, ўрнатилган тартибда кредиторлар реестрига киритилади.

| Т/р | СТИР | Корхона номи | Иқтисодий суднинг (ажрими, ҳал қилув қарори)нинг | | Суднинг номи | Рўйхатга олиш вақти | Кредиторлар йиғилишининг вақти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Санаси | Рақами | | | |
| 1 | 310173380 | "Hayat energy station" МЧЖ | 21.10.2025 й. | 4-1001-2514/115911 | Тошкент | 10.30 | 11.00 |

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 14 октябрдаги 4-1001-2521/67042-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Humans" МЧЖга (СТИР 306624856) нисбатан ишлаб чиқариш тўхтатилмаган ҳолда тўловга қобилиятсизлиги эътироф этилган.

Тугатиш ишларини амалга ошириш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси Мадрахимов Аброржон Алимжанович тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

"Humans" МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 24 ноябрь куни соат 11.30 да Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар МФЙ, Махтумқули кўчаси, 2-в уйда бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: +99893-443-00-03.

**Кун тартиби:**

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 14 октябрдаги 4-1001-2521/67042-сонли ҳал қилув қарори билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. "Humans" МЧЖ тугатиш ишлари юзасидан тугатиш суд бошқарувчисини тайинлаш, тугатиш режаси, намунавий календарь иш режаси, харажатлар сметаси, штатлар жадвалини тасдиқлаш.
4. "Humans" МЧЖ тугатиш бошқарувчиси иш ҳақини белгилаш.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини кўриб чиқиш.
6. Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш йиғилишдан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Кўриб чиқиладиган масалалар билан йиғилиш давомида таништириб борилади.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қарздорнинг думалоқ муҳри, штампи эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Йиғилишда кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома ҳамда кредиторлик қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари сўралади. Маълумот олиш учун телефон: +99893-443-00-03.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 10 октябрдаги 4-1301-2504/12864-сонли ажрими билан Ш.Рашидов туманидаги "Jasurjon Mannon o'g'li" ФХга (СТИР 204943875) нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Холматов тайинланган.

"Jasurjon Mannon o'g'li" ФХ кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да (индекс:130100) Ш.Рашидов тумани, Заргарлик маҳалласи, Талабалар кўчаси, "ТРИО" офис биносида бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Кредиторлар йиғилиши раисини сайлаш.
2. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
3. Корхонага нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини қўллаш юзасидан Жиззах туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номзодини маъқуллаш.
5. Бошқа масалалар.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Талабалар кўчаси, "ТРИО" офис биносида қабул қилинади.

Мурожаат учун тел: +99899-270-74-71.

Ушбу йиғилишда кредиторлар қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, вакиллар эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашишлари мумкин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 16 сентябрдаги 4-1001-2525/101660-сонли ажрими билан "MBILALPHARM" МЧЖга (СТИР 309715337) нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Суднинг ажрими билан муваққат бошқарувчи этиб Ҳайитов Қувондиқ Эломонович тайинланган.

Мазкур қарздор корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 26 ноябрь куни соат 10.00 да (рўйхатга олиш соат 9.45 дан бошланади) Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 320-хонасида бўлиб ўтади.

Кредиторлар йиғилишида "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуннинг 89-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳамда ушбу қонунда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Йиғилишда кўриб чиқиладиган материаллар билан танишиш хоҳиши бўлган кредиторлар кузатув жараёнида мурожаат қилишлари мумкин.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 320-хонасида қабул қилинади.
Тел: +99890-979-20-19.

Фориш тумани иқтисодий судининг 2025 йил 20 октябрдаги 4-1305-2501/1257-сонли ҳал қилув қарори билан Фориш туманидаги "Zarif-Laziz" МЧЖ (СТИР 302078122) тўловга қобилиятсизликнинг умумий таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш очилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Ахмедов Сахоб Исмаилович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Талабалар кўчаси, "ТРИО" офис биносида ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Кредиторлар йиғилиши раисини сайлаш.
2. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
3. Тугатиш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
4. Тугатиш бошқарувчисига ойлик иш ҳақини белгилаш.
5. Корхонада инвентаризация натижаларини тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

Мурожаат учун тел: +99893-297-23-45.

"Zarif-Laziz" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчакли штамплар 10 (ўн) кун ичида тугатиш (суд) бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, бекор қилинган ҳисобланади.

"O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining 2025-yil 27-yanvardagi 56-son qarori bilan assotsiatsiyaning quyidagi sport klublari faoliyati ixtiyoriy tugatilmoqda:

O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Muxammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Qarshi filiali "TATU- Qarshi" sport klubi (STIR 207279837) pochta manzil: Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani, Beshkent shahri Qarshi-Beshkent yo'li ko'chasi, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 11-iyul kuni 672-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrisabz filiali "Kesh alplari" sport klubi (STIR 207330204) pochta manzil: Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz shahri, Shahrisabz kochasi, 10-uy, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2020-yil 3-dekabr 725-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti "Muhandis" sport klubi (STIR 207279820) pochta manzil: Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 225-uy, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 11-iyul 671-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Toshkent irrigatsiya va qishloq ho'jaligini mexanizatsityalash muxandislik instituti Qarshi filiali sport klubi (STIR 207330212) pochta manzil: Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, Xonobod shohkochasi, 19-uy, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2020-yil 3-dekabr 726-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

Shuningdek, O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrisabz filiali "Kesh alplari" sport klubi (STIR 207330204) guvohnoma va nizomi yo'qotilgan va haqiqiy emas deb topilgan, manzil: Qashqadaryo viloyati, Shahrisabz shahri, Shahrisabz ko` chasi, 10-uy, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2020-yil 3-dekabr 725-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

O'zbekiston talabalar sporti assotsiatsiyasining Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti "Muhandis" sport klubi (STIR 207279820) guvohnoma va nizomi yo'qotilgan va haqiqiy emas deb topilgan, manzil: Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 225-uy, Qashqadaryo viloyati Adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 11-iyul 671-son bilan davlat ro'yxatiga olingan.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 20 октябрдаги 4-1301-2501/13444-сонли ажримига асосан Зафаробод туманидаги "Oazis constructor" МЧЖга нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат суд бошқарувчиси этиб Б.Назаров тайинланган.

Шу муносабат билан Зафаробод туманидаги "Oazis constructor" МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Ю.Ражабий кўчаси, 4-уй, 2-қаватда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Кредиторлар йиғилиши раисини сайлаш.
2. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
3. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
4. Жамиятга нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини қўллаш ва суд бошқарувчиси номзодини маъқуллаш.
5. Бошқа масалалар.

Ушбу йиғилишда кредитор шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашишлари мумкин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 17 октябрдаги 4-1001-2504/115345-сонли ажрими билан "Rung proje" МЧЖга (СТИР 307843679) ҳамда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 13 октябрдаги 4-1001-2508/113861-сонли билан "Shox Ustaxonasi" МЧЖга (СТИР 309086400) нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) иши қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Мамадияров Хасан Жуманазарович тайинланган.

Кузатув таомили жараёнида олиб борилган ишлар бўйича кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 25 ноябрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хирмонтепа МФЙ, 19-мавзе, 45-уйда бўлиб ўтиши белгиланган.

**Кун тартиби:**

1. Муваққат бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Аниқланган кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Қарздорга нисбатан ташқи бошқарув, суд санацияси, келишув битими тузиш.
4. Кузатув жараёнида ўтказилган таҳлил натижалари бўйича қилинган хулосага асосан МЧЖларни тўловга қобилиятсизликнинг бошқа таомилига ўтказиш.
5. Муваққат бошқарувчига вазифаларини бажарганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини белгилаш.
6. Қонунда назарда тутилган бошқа масалалар.

Кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат асл нусхаси ва кредиторлик қарзи бўйича асосли ҳужжатларнинг асл нусхаси, кредиторлар йиғилишида қатнашиш ва кредитор манфаатларини ҳимоя қилишга ваколат берилган ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этишлари шарт.

Эълон чиққан кундан эътиборан (индекс: 100182) Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қут-барака МФЙ, массив А.Навоий, 100-уйга ёки +99890-987-97-91, +99899-985-19-78 телефон рақамлари ва omad.zari@mail.ru электрон почта орқали мурожаат қилиш мумкин.

Pastdarg'om tumanlararo iqtisodiy sudining 2025-yil 17-oktyabrdagi 4-1407-2501/5672-sonli hal qiluv qaroriga asosan "Sarbon gold fruits" MChJ (STIR 306790249) ga nisbatan kuzatuv joriy qilingan. Muvaqqat boshqaruvchi etib Raxmonov Odil Askarovich tayinlangan.

Kreditorlar o'z talablari bilan bir oy muddat ichida Samarqand shahri, M.Ulug'bek ko'chasi, 96-uyga murojaat qilishlari mumkin. Kreditorlar yig'ilishi 2025-yil 24-noyabr kuni soat 10.00 da Davlat aktivlarini boshqarish agentligining Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi binosida o'tkaziladi.

Murojaat uchun tel: +99897-449-09-55.

Toyloq tumanlararo iqtisodiy sudining 2025-yil 13-oktyabr 4-1405-2502/12853-sonli hal qiluv qaroriga asosan "Sevench farm" MChJ (STIR 310786955) bankrot deb topilgan va tugatish boshqaruvchisi etib Raxmonov Odil Askarovich tayinlangan.

Kreditorlar o'z talablari bilan bir oy muddat ichida Samarqand shahri, M.Ulug'bek ko'chasi, 96-uyga murojaat qilishlari mumkin. Kreditorlar yig'ilishi 2025-yil 24-noyabr kuni soat 10.00 da Davlat aktivlarini boshqarish agentligining Samarqand viloyati hududiy boshqarmasi binosida o'tkaziladi.

Murojaat uchun tel: +99897-449-09-55.

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 13 октябрдаги 4-1105-2501/3618-сонли иш ҳал қилув қарорига кўра, "T-Joy" МЧЖ банкрот деб топилган ва унга нисбатан олти ой муддатга тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Кредиторларнинг талаблари "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонунда белгиланган тартибда ва муддатда қабул қилинади. Алоқа учун телефон: +99894-474-71-74.

## "Xo'jaobod paxta tozalash" AJ кредиторлари диққатига!

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Шаҳрихонсой МФЙ, Гулдиёр кўча, 1-уйда жойлашган "Xo'jaobod paxta tozalash" акциядорлик жамиятини (СТИР 200297131) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида"ги низоми асосида ихтиёрий тугатиш белгиланди.

Асос: "Xo'jaobod paxta tozalash" акциядорлик жамияти акциядорларининг 2025 йил 13 октябрдаги жамиятни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори.

Тугатилаётган "Xo'jaobod paxta tozalash" акциядорлик жамиятининг кредиторлари талаблари жамиятни тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой давомида Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Шаҳрихонсой МФЙ, Гулдиёр кўча, 1-уйда қабул қилинади.

**"Xo'jaobod paxta tozalash" АЖ тугатиш комиссияси.**

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорлари билан қуйидаги қарздор корхоналар тўловга қобилиятсиз деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Чўтов Мамаюсуп Омонович тайинланган.

Мазкур корхоналар кредиторлари йиғилиши 2025 йил 24 ноябрь куни Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси 1-уйнинг, 315-хонасида бўлиб ўтади.

Йиғилишда тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритиш жараёнида амалга ошираётган ишлари юзасидан ҳисоботи, кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш, тугатиш режаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, тугатиш бошқарувчисига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, қарздорнинг молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан ҳамда мавжуд кўчар, кўчмас мулкларини баҳолаш юзасидан аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларни танлаб олиш, шунингдек қонунда кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Кредиторларни рўйхатга олиш йиғилишдан 30 дақиқа олдин бошланади.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 315-хонасида қабул қилинади.

Тел: +99899-888-00-83.

Ушбу қарздор корхоналар тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги сабабли уч кун муддат ичида думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғалари, низом, гувоҳномалари корхона раҳбарлари ёки таъсисчилари томонидан тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, йўқолган деб топилади ва бекор қилинади.

| Т/р | СТИР | Корхона номи | Иқтисодий суднинг (ажрими, ҳал қилув қарори)нинг | | Суднинг номи | Рўйхатга олиш вақти | Кредиторлар йиғилишининг вақти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Санаси | Рақами | | | |
| 1 | 307592217 | “Silikon paint” МЧЖ | 08.10.2025 й. | 4-1101-2501/13751 | Зангиота | 10.30 | 11.00 |
| 2 | 309358132 | “Emmar collor” МЧЖ | 08.10.2025 й. | 4-1101-2501/13756 | Зангиота | 11.30 | 12.00 |

1. Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 17 октябрдаги 4-1504-2502/13951-сонли ажримига асосан “Ан-нур дон неъматлари” МЧЖга (СТИР 307729770) нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий этилди. Муваққат бошқарувчи этиб А.Назаров тайинланди. Ишни судда кўриб чиқиш 2025 йил 24 ноябрь куни соат 14.30 да Марғилон шаҳар, Нурафшон кўчаси, 7-уйда, суд биносида бўлиб ўтади.

2. Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 17 октябрдаги 4-1504-2502/13949-сонли ажримига асосан “Фар Карим ота” Ф/Хга нисбатан (СТИР 203919191) банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий этилди. Муваққат бошқарувчи этиб А.Назаров тайинланди. Ишни судда кўриб чиқиш 2025 йил 24 ноябрь куни соат 14.40 да Марғилон шаҳар, Нурафшон кўчаси, 7-уйда, суд биносида бўлиб ўтади.

Кредиторлар ўз талабларини 30 кун ичида билдиришлари мумкин.
Манзил: (индекс:150100) Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 43-6 уй, телефон: +99894-130-17-33.

## Кредиторлар диққатига!

Косон туманлараро иқтисодий судининг тегишли ажримларига кўра, қуйидаги юридик шахсларга нисбатан умумий тартибда банкротликка оид иш юритиш бошланган ва кузатув жорий этилган. Суд ажримларига асосан кузатувчи этиб Холмурадов Шавкат Буриевич тайинланган.

| Т.р | Иш рақами | Куни | СТИР | Номи | Манзили | йиғилиш вақти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 4-1804-2501/3476 | 02.10.2025 | 204937193 | “Ашурали Рахимберди” ф/х | Косон тумани, Оброн қишлоғи | 10.00 |
| 2 | 4-1804-2501\3477 | 02.10.2025 | 307175229 | “Мирзаёбек Бобоёрович” ф/х | Косон тумани, Юқори оброн қишлоғи | 11.00 |
| 3 | 4-1804-2501\3479 | 02.10.2025 | 303660736 | “Оқтош туячи” ф/х | Косон тумани, Ширинтепа қишлоғи | 12.00 |

Кредиторларнинг қарздорга бўлган талаблари муваққат бошқарувчи томонидан Қарши шаҳар, А.Темур кўчаси, 43-уйда 2025 йил 31 октябргача қабул қилинади. Эл.почта: sar.moh.mar66@mail.ru, телеграм: +99890-670-00-35, +99891-458-00-35 (кредитор талаблари баён этилган аризада ўзи ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан фирманинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили (мавжуд бўлган тақдирда), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, шунингдек банк реквизитлари (мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатилиши шарт).

Қарздор кредиторларининг биринчи йиғилиши 2025 йил 31 октябрь куни юқорида қайд этилган вақтларда Қарши шаҳар, А.Темур кўчаси 43-уйда, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биносида ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 15.00 да бошланади.

**Кўриладиган масалалар:**

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Қарздор кредиторлари реестрини тасдиқлаш.
3. Кредиторлар қўмитаси раисини сайлаш.
4. Қарздорга нисбатан банкротликнинг навбатдаги таомилини қўллаш.
5. Муваққат бошқарувчи иш ҳақини тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

Йиғилишда барча кредиторлар ишончнома ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари сўралади.

Суд мажлиси 2025 йил 4 ноябрь куни Жиноят ишлари бўйича Муборак туман суди биносида соат 09.30 га белгиланган.

Мурожаат учун телефон: +99891-458-00-35 (суд бошқарувчиси Ш.Холмурадов).

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси махсуслаштирилган давлат муассасаси ўз балансидаги (ВАЗ, Москвич, Доган, РАФ ва ҳоказо) автомобиль эҳтиёт қисмларини шу русумдаги автотранспорти мавжуд бўлган ташкилотларга таклиф этади!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа 34-уй.
Тел: +99871-274-19-15, +99898-309-99-93.

## ЭЪЛОН!

Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Навоий кўчасида жойлашган “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг (СТИР 200047520) давлат рўйхатига олинган умумий қиймати 649 999 500 сўмлик, номинал қиймати 1 140 сўм бўлган 570 130 дона эгаси ёзилган оддий ва 45 дона эгаси ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз акциялари чиқарилиши бўйича 1996 йил 27 мартдаги F0239-1-сонли, 1999 йил 6 июлдаги F0239-2-сонли, 2001 йил 21 сентябрдаги F0239-3-сонли, 2004 йил 30 ноябрдаги F0239-5-сонли, 2008 йил 2 июндаги F0239-6-сонли, 2011 йил 11 октябрдаги F0239-8-сонли қарорлари ва эмиссия рисолалари (миллий идентификация рақамлари: RU101F0239T8, RU201F0239T6, RU102F0239T6, RU103F0239T4, RU105F0239T9, RU106F0239T7, RU108F0239T3) ҳамда уларга киритилган барча ўзгартиришларнинг асл нусхалари йўқолганлигини маълум қиламиз.

**“Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси.**

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 6 октябрдаги 4-1105-2501/4543-сонли ҳал қилув қарорига кўра, қарздор-жисмоний шахс Хо'jamova Hikoyatoy Eshmamatovna тўловга қобилиятсиз деб топилган ва унга қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш тартиб-таомили жорий этилган. Кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзига доир талабларини қаноатлантиришга нисбатан мораторий жорий этилган.

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 16 октябрдаги 4-1105-2501/4543-сонли ажримига кўра, қарздор-жисмоний шахс Хо'jamova Hikoyatoy Eshmamatovnанинг молиявий бошқарувчиси этиб Карабаев Отабек Абиджонович тайинланган.

Кредиторларнинг талаблари “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

Алоқа учун тел: +99894-474-71-74, электрон манзил: karabayevo117@gmail.com

**Частный Акционерный Коммерческий Банк «Ориент Финанс» объявляет тендер: «Выбор поставщика терминалов»**

Срок предоставления заявки: до 18.00 часов 5 ноября 2025г.

Дата вскрытия конвертов: 6 ноября 2025г.

Тендерную документацию «TD-08-ДКБ-2025» можно получить в Головном офисе банка по адресу г. Ташкент, ул. Осиё 5. тел. +99871 205-55-55 (вн. 5202) или на сайте банка: https://www.ofb.uz/about/tenders/

Плата за предоставление тендерной документации с участников не взимается, начальная стоимость предложений не устанавливается.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 20 октябрдаги 4-1001-2503/103238-сонли ажримига асосан жисмоний шахс Шодмонов Мўминхўжа Бахтиёр ўғлига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилди ва кузатув таомили жорий этилди. Молиявий бошқарувчи этиб Турсунбоева Дилафрўз Набижоновна тайинланди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 28 ноябрь куни соат 9.30 да Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси биносида, Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 4-уйда ўтказилади. Барча кредиторлар 1 (бир) ой давомида +99899-866-09-62 телефон рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш очиш.
2. Тугатиш бошқарувчиси номзодини тасдиқлаш.
3. Қарздор кредиторлари реестрини 2025 йил 28 ноябрь кунига тасдиқлаш.
4. Молиявий бошқарувчининг иш ҳақини белгилаш.

Кредиторларни рўйхатга олиш йиғилишдан 30 дақиқа олдин бошланиб, 5 дақиқа қолганда тугатилади.

Йиғилишда шахсини ҳамда қарздорликни асословчи ҳужжат билан қатнашиш талаб этилади.

Навбаҳор туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 14 октябрдаги 4-2103-2501/3879-сонли ажрими билан “Konimex baliqchi” масъулияти чекланган жамиятига (СТИР 304466263) нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб М.Бобоназаров тайинланган.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2025 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да Кармана тумани, Камолат массиви, 65-уйда бўлиб ўтади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Кузатув жараёни натижасига кўра, тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини белгилаш.
4. Муваққат бошқарувчининг иш ҳақини тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Кармана тумани, Камолат массиви, 65-уйда қабул қилинади. Тел: +99893-318-90-00, +99891-331-38-18. Ушбу йиғилишда кредиторлар қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, вакиллар эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашишлари мумкин.

## ЭЪЛОН!

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 3 октябрдаги 4-1202-2501/5263, 2025 йил 6 октябрдаги 4-1202-2501/5262 ва Боёвут туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 6 октябрдаги 4-1203-2501/3925, 2025 йил 2 октябрдаги 4-1203-2501/3924-сонли ажримларига асосан “White gold klaster” MChJ (СТИР 308252456), “White gold klaster tex servis” MChJ (СТИР 308628334), “Bayuu-an teks” MChJ (СТИР 310981341) ва “Familly tekstil” MChJra (СТИР 311314385) нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилди.

Кредиторларнинг биринчи умумий йиғилиши 2025 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 3-уй, 18-хонада (Бизнес марказ биноси) бўлиб ўтади.

Кун тартибига мувофиқ, муваққат бошқарувчи ҳисоботи, кредиторлар реестрини тасдиқлаш, келгуси таомилни танлаш, бошқарувчи номзоди ва иш ҳақини тасдиқлаш ва бошқа масалалар кўрилади.

Мурожаат учун тел: +99897-224-25-26. Суд бошқарувчиси Т.Махамадиев.

## КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 28 ноябрдаги 4-1801-2401\1462-сонли иш бўйича қабул қилган ажрими билан қарздор корхона – Нишон туманидаги “Nishon cellulose and cotton wool” МЧЖ (СТИР 307882590) суд тугатиш бошқарувчиси М.Мирзаев вазифасидан озод этилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Холмурадов Шавкат Буриевич тайинланган.

Қарздор мол-мулклари 2025 йил 21 октябрдаги “E-аукцион” очиқ савдоларида ЛОТ- 18716741 билан сотилмаган. Юқоридагиларга асосан қарздор кредиторларининг умумий йиғилиши 2025 йил 31 октябрь куни соат 16.00 да Қарши шаҳар, А.Темур кўчаси, 43-уйда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биносида ўтказилади, рўйхатга олиш соат 15.00 да бошланади.

**Кўриладиган масалалар:**

1. Суд бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Қарздор кўчмас мулки баҳосини қайта кўриб чиқиш ва савдо тартибини белгилаш.
3. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш ёки кредиторларга таклиф қилиш.
4. Бошқа масалалар.

Йиғилишда барча кредиторлар ўз талабларини асословчи ҳужжатлар, ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари сўралади.

**Jaloliddin Usmonov, Iqtisodiy tadqiqotlar va islohotlar markazi mutaxassisi.**

# Ko‘chmas mulk bozorida ijobiy dinamika saqlanib qolmoqda

Iqtisodiy tadqiqotlar va islohotlar markazi tahlillariga ko‘ra, ko‘chmas mulk bozorida yillik dinamika barqaror o‘sishni saqlab turibdi.

Ko‘chmas mulk bozoridagi tendensiyalar bo‘yicha yangilangan tahlilga qaraganda, joriy yil sentyabr oyida respublika bo‘yicha uy-joy oldi-sotdi shartnomalari soni 24,2 ming-tani tashkil etdi, o‘tgan yilning sentyabr oyiga nisbatan bitimlar soni 13,7 foizga oshdi. Eng yuqori yillik o‘sish Sirdaryo viloyatida (+35,6 foiz), Buxoro viloyatida (+20,2 foiz) va Toshkent shahrida (+31,2 foiz) qayd etildi. Joriy yilning uchinchi choragida yurtimiz bo‘y-lab jami 75,5 mingta ko‘chmas mulk oldi-sotdi shartnomasi rasmiylashtirildi. Bu o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 13,6 foizga va joriy yilning ikkinchi choragiga nisbatan 11 foizga ko‘pdir. Eng katta o‘sish Buxoro viloyati (+27,3 foiz), Sirdaryo viloyati (+24,9 foiz) va Toshkent shahrida (+19,9 foiz) kuzatildi. Respublika miqyosida sentyabr oyida ikkilamchi uy-joy bozoridagi o‘rtacha narxlar 0,6 foizga oshgan. Yillik hisobda o‘tgan yilning sentyabr oyiga nisbatan ikkilamchi bozorda bir kv.m uchun o‘rtacha narx 4,6 foizga ko‘paygan. Eng yuqori narx o‘sishi Surxondaryo (+19 foiz), Sirdaryo (+15,8 foiz) va Jizzax (+14,5 foiz) viloyatlarida qayd etildi. Toshkent shahrida ikkilamchi uy-joy bozorida sentyabr oyida narxlar 0,6 foizga ortgan, biroq 2024-yil sentyabr oyiga nisbatan 1,7 foiz-ga pasaygan. Ikkilamchi uy-joy bozorida eng katta pasayish Yashnobod, Mirzo Ulug‘bek va Chilonzor tumanlarida kuzatildi. O‘rtacha hisobda pasayish 4,3 foizni tashkil etdi. Shu bilan birga, birlamchi uy-joy ko‘chmas mulk bozorida narxlarning 3 foizga ko‘tarilgani qayd etildi. Birlamchi uy-joy bozorida eng yuqori narx oshishi Mirobod, Bektemir va Yakkasaroy tumanlarida qayd etildi. O‘rtacha hisobda o‘sish 5,8 foizni tashkil etdi.

Zamira Tojiyeva.

# Biznes-ombudsmanlar va biznesda halollik IV xalqaro forumi

**Biznes sohasini barqaror rivojlantirish uchun tadbirkorlarning huquqlarini samarali himoya qilish, halollik va mas'uliyat madaniyatini kuchaytirish hamda ochiq va shaffof ishbilarmonlik muhitini yaratishga qaratilgan izchil chora-tadbirlar zarur.**

Mazkur jarayonda Biznes-ombudsman tizimli muammolarni tahlil qilish, hukumatga tavsiyalar taqdim etish, yillik hisobotlar orqali ishbilarmonlik muhitini yaxshilash orqali katta hissa qo‘shib kelmoqda. Shuningdek, Biznes-ombudsman devoni va Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tomonidan




ishbilarmonlik muhitida halollik tamoyillarini mustahkamlash va korrupsiyaga qarshi kurashish madaniyatini shakllantirishga qaratilgan tizimli ishlar olib borilmoqda. Ayniqsa, 2021 yildan buyon “Biznesda halollik forumi”ni birgalikda tashkillashtirish o‘ziga xos an’anaga aylandi. Joriy yilda esa ilk bor xalqaro Biznes-ombudsmanlar forumi va an’anaviy “Biznesda halollik forumi” yagona tadbir sifatida o‘tkazildi.

Unda O‘zbekiston Respublikasi Biznes-ombudsmani o‘rinbosari Jamshid Urunov, BMT Taraqqiyot dasturining O‘zbekistondagi doimiy vakili Akiko Fudzii, YeXHTning O‘zbekistondagi loyihalari koordinatori, ofis rahbari Antti Karttunen, Konrad Adenauer jamg‘armasining Markaziy Osiyo bo‘yicha mintaqaviy vakili Andre Algermissen, O‘zbekiston Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktori o‘rinbosari Umed Mavlyanov, IHTTning Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘limi rahbari Djuliya Fromhols, BMTning Giyohvand moddalar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasining Markaziy Osiyoda korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha mintaqaviy maslahatchisi Vladimir Kozin va boshqalar so‘zga chiqishdi.

Forumda dastlab Biznes-ombudsman institutlarini rivojlantirish, xalqaro tajriba almashish va ilg‘or amaliyotlar o‘rganildi. Ishtirokchilar ushbu institutlarning turlicha ishlash modellari, davlat organlari bilan o‘zaro hamkorlik mexanizmlari, tadbirkorlar shikoyatlarini ko‘rib chiqishdagi yondashuvlar hamda qonunchilikni takomillashtirish yo‘llarini muhokama qildilar. Tadbir davomida Biznes-ombudsmanlar, tadbirkorlar, biznes uyushmalar, davlat organlari va xalqaro hamkorlar o‘rtasida ochiq muloqot uchun samarali platforma yaratildi. Forum doirasida biznes huquqlarini himoya qilishga to‘siq bo‘layotgan institutsional cheklovlarni aniqlash va ularni bartaraf etish bo‘yicha yechimlar o‘rtaga tashlandi. Qozog‘iston Biznes-ombudsmani maslahatchisi Safaraul Yilmaz, Ozarbayjon kichik va o‘rta biznesni rivojlantirish agentligi kotibiyati rahbari Elmar Isayev (onlayn), Qirg‘iziston Biznes-ombudsmani o‘rinbosari v.v.b. Nurlan Musuraliyev (onlayn), O‘zbekiston Biznes-ombudsman devoni bosh inspektori Mirshod Nasullayev ma’ruza qilishdi. Ular shakllangan tajriba va modellar, biznesda axloqiy standartlarni rivojlantirish, halol raqobat tamoyillariga rioya qilishning hozirgi tendensiyalari, tadbirkorlar o‘rtasidagi nizolarni tezkor va samarali hal etish, xalqaro darajadagi tizimli muammolarni yechish uchun Biznes-ombudsmanlar o‘rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish haqida so‘z yuritishdi. Xususan, O‘zbekiston Biznes-ombudsman devoni bosh inspektori Mirshod Nasullayev joriy holat haqidagi







ma’lumotlardan so‘ng, kelgusidagi rejalarga ham to‘xtalib o‘tdi. Uning ta’kidlashicha, zamonaviy qonunchilik bazasida Biznes-ombudsman instituti tadbirkorlar manfaatlarini himoya qilish uchun nafaqat maslahat, balki protsessual imkoniyatlarga ham ega bo‘lishi kerak. Bu borada kafolatlarni kuchaytirish va yangi huquqiy hujjatlarni ishlab chiqishga qaratilgan qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha “yo‘l xaritasi” tayyorlandi. Bunda avvalo, sud himoyasi samaradorligini oshirishga e’tibor berilgan. Ya’ni protsessual qonunchilikka tadbirkorlik subyektlarining huquqlarini buzgan taqdirda, nazorat qiluvchi organlarning qarorlari va farmoyishlari ustidan Biznes-ombudsmanga shikoyat qilish imkonini beruvchi o‘zgartishlar kiritish taklif etilmoqda. Ikkinchidan, Biznes-ombudsmanga tadbirkorlarni tashqi infratuzilma obyektlari — elektr energiyasi, gaz, suv va aloqa tarmoqlariga ulash uchun mas’ul bo‘lgan tashkilotlarga ta’sir ko‘rsatish huquqini beruvchi nizomlar ishlab chiqilmoqda. Uchinchidan, Jinoyat-protsessual kodeksiga Biznes-ombudsman yoki Savdo-sanoat palatasi vakilining jinoyat protsessining tergovdan tortib to sudgacha bo‘lgan barcha bosqichlarida davlat himoyachisi sifatida ishtirok etish huquqini belgilovchi yangi modda kiritish taklif etilmoqda. Bugungi kunda Biznes-ombudsman ziddiyatli vaziyatlarni ko‘rib chiqishda asosiy e’tiborni nafaqat huquqiy baho berishga, balki tomonlar o‘rtasida manfaatlar muvozanatini saqlash va nizoning kuchayishiga yo‘l qo‘ymaslik imkonini beradigan o‘zaro maqbul yechimlarni topishga qaratmoqda. Institut qo‘shimcha soliq hisob-kitoblari, tekshirishlar, mulkiy nizolar va ma’muriy jazolar bilan bog‘liq masalalarda vositachi vazifasini bajaradi. Sudgacha hal etish bo‘yicha o‘rnatilgan amaliyot tufayli sudlarga murojaatlar sonini kamaytirish va sudlar zimmasidagi yukni yengillashtirish mumkin bo‘ldi. Ushbu yo‘nalishni institutsional jihatdan mustahkamlash maqsadida amaldagi qonunchilikka Biznes-ombudsmanga o‘zaro kelishuv asosida mediatsiya ishini qo‘zg‘atish va erishilgan kelishuvlarni rasmiy qayd etish huquqini berishni nazarda tutuvchi o‘zgartirishlar kiritish bo‘yicha takliflar tayyorlanmoqda. Ushbu model nafaqat tadbirkorlar huquqlarini himoya qilishni kuchaytiradi, balki davlat va biznes qarama-qarshilik tamoyilida emas, balki sheriklik muloqoti shaklida o‘zaro hamkorlik qiladigan yangi huquqiy madaniyatni shakllantiradi.







Tadbirkorlar shikoyatlari bilan ishlash mexanizmlariga oid masalada so‘zga chiqqan O‘zbekiston Biznes-ombudsman devoni bosh inspektori Guljamol Shukurovaning e’tiroficha, asosiy vazifalardan biri — tadbirkorlar uchun davlat organlarining noqonuniy harakatlari yoki harakatsizligi bo‘yicha shikoyat qilishning samarali, shaffof va xavfsiz mexanizmlarini ta’minlashdir. Bugungi kunda bu mexanizm nafaqat an’anaviy murojaat shakllarini, balki zamonaviy raqamli vositalarni ham o‘z ichiga oladi. Shikoyatlarni ko‘rib chiqish jarayoni murojaatlarni ro‘yxatga olishdan boshlanadi. Ular bir nechta yo‘l, ya’ni yozma yoki shaxsan hududiy vakilliklarga murojaat qilish orqali,“Tadbirkorlar virtual ofisi” axborot platformasi orqali onlayn tarzda, “Yagona davlat nazorati” axborot tizimi orqali kelib tushishi mumkin. Masalan, “Tadbirkorlarning virtual ofisi” orqali tadbirkorlar 24 soat davomida o‘z shikoyatlari, murojaatlari va takliflarini yuborish imkoniyatiga ega. Platformaning asosiy mohiyati — tadbirkor bilan davlat organi o‘rtasida ishonchli “ko‘prik” yaratishdir. Masalan, tadbirkor biror ruxsat etuvchi hujjatni olishda qiynalsa, Virtual ofis orqali murojaat yuborganidan so‘ng uning arizasi ijrosi bo‘yicha nazorat yo‘lga qo‘yiladi. Ya’ni, Biznes-ombudsman xodimlari murojaatning to‘liq va o‘z vaqtida ko‘rib chiqilishi bo‘yicha doimiy monitoring olib boradi. Biznes-ombudsman devoni xodimlari murojaatlarni ko‘rib chiqish jarayonida qonunbuzilish holatlari aniqlansa, ta’sir choralarini qo‘llash huquqiga ega — masalan, ogohlantiradi, taqdimnoma kiritadi yoki ma’muriy jarima qo‘llaydi. Joriy yilning 9 oyi davomida tadbirkorlik subyektlari murojaatlarini ko‘rib chiqishda qonunbuzilishlarga yo‘l qo‘ygan mansabdor shaxslarga nisbatan 67 ta ma’muriy bayonnoma rasmiylashtirildi va tegishli idoralarga bajarilishi majburiy bo‘lgan 4 ta taqdimnoma yuborildi. Murojaatlarning ko‘rib chiqilishi natijasida tadbirkorlarga 14,1 milliard so‘m kredit ajratilishiga, 9,2 milliard so‘m pul mablag‘larini undirishga va 4,5 milliard so‘m asossiz to‘langan soliqlarni qaytarishga ko‘maklashildi.

Tadbirning ikkinchi qismida Biznes-ombudsmanlarning halol biznes amaliyotlarini targ‘ib etishdagi roli, korporativ standartlarni joriy etayotgan korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash choralari hamda korrupsiyaga qarshi muvaffaqiyatli dasturlar namunasi namoyish etildi. Xususiy biznes va davlat korxonalarida halollik hamda korrupsiyaga qarshi komplayens masalalari ham ko‘rib chiqildi.

Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti tahlilchisi Erekle Urushadze Biznes-ombudsman institutlari faoliyati bo‘yicha olib borilgan tadqiqot, Biznes ombudsmanlarning mandati va vakolatlari, shuningdek, halollik madaniyatini shakllantirish va halol raqobat standartlarini ilgari surish masalalari bo‘yicha taqdimotni havola qildi.

Forum yakunida Biznesning halollik xartiyasiga yangi a’zolarni qo‘shish marosimi o‘tkazildi.

BIZNES DAILY BIRJA
#85 (3279) 23.10.2025 | www.businessdaily.uz

Zamira Tojiyeva.

# Islomiy bank faoliyati uchun qonunchilik qanday takomillashtirilishi lozim?

Bugungi kunda Oliy Majlis Qonunchilik palatasida “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga O‘zbekistonda islomiy bank faoliyatini joriy qilishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonun loyihasining muhokamasi qizg‘in davom etmoqda.



Shu munosabat bilan parlament quyi palatasining Budjet va iqtisodiy masalalar qo‘mitasi tomonidan seminar tashkil etildi. Unda deputatlar, Parlament tadqiqotlari instituti vakillari, mustaqil izlanuvchilar ishtirok etishdi. Tadbirda qonun loyihasining tashabbuskori bo‘lgan Markaziy bank mas’ul xodimlari tomonidan islomiy moliyalashtirishning mazmun-mohiyati, ya’ni islomiy bank va islomiy moliya faoliyati, islomiy moliya operatsiyalari, islomiy moliya standartlari hamda investitsiyaviy depozit, islomiy bank faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziya olish, islomiy moliya operatsiyalari hisoblangan murobaha, muzoraba, mushoraka, vakala, salam va boshqalar keng tushuntirilib, atroflicha ma’lumot berildi.

Markaziy bank bosh mutaxassisi Umidjon Yorqulov taqdimotida keltirilganidek, islomiy moliyaning asosiy qoidalari pul mablag‘laridan foiz undirishga ruxsat bermaslik, noaniq va yuqori riskli loyihalarni hamda halol bo‘lmagan faoliyat turlarini moliyalashtirishni taqiqlash, mehnatsiz foyda topishni targ‘ib etmaslik, moliyaviy operatsiyalarning real aktivlarga asoslanishi yoki bog‘lanishidan iborat. Islomiy va an’anaviy moliyada mahsulotlar, shartnomalar, moliyalashtirish sohalari turlicha, lekin qarama-qarshi emas. Islomiy va an’anaviy moliyada natija, ya’ni muayyan ehtiyojni qondirish, funksionallik, xarajatlar, narxlash va benchmarking (solishtirish) o‘xshash, ammo bir xil emas. Islomiy moliya shartnomalari savdo, manfaat (uzufrukt), sherikchilik xavfsizlik, xizmat shartnomalariga bo‘linadi. Islomiy moliya boshqaruvi tizimi keng qamrovli bo‘lib, bu islomiy moliya tashkilotlari uchun tegishli milliy yoki institutsional chora-tadbirlar, tartiblar, talablar, organlar va siyosatlar majmuini belgilaydi. Mazkur boshqaruvning umumiy maqsadi islomiy moliya tashkilotlarining islomiy moliya standartlariga nomuvofiqlik tavakkalchiligiga duchor bo‘lishini yumshatish uchun ular faoliyati ustidan samarali va mustaqil nazoratni amalga oshirishga qaratilgan. Islomiy moliya boshqaruvi qoidalari milliy qonunchilik talablari, shu jumladan korporativ boshqaruv talablariga ham muvofiq bo‘lishi kerak. Shunga ko‘ra, islomiy moliya tashkilotlari milliy hamda islomiy moliya talablariga javob beradigan ikki xil boshqaruv modeliga ega bo‘lishi lozim. Masalan, institutsional darajada tashkilotda islomiy moliya kengashi, islomiy moliya bo‘limi, islomiy moliya standartlariga nomuvofiqlik tavakkalchiligini boshqarish, islomiy moliya qoidalariga muvofiqlikni tekshirish va tadqiq qilish, islomiy moliya kengashi kotibiyati, islomiy moliya ichki va tashqi auditi tuzilishi darkor. Jahon miqyosida sohani standartlashtirish bo‘yicha bir nechta institut mavjud bo‘lib, masalan, Islomiy moliya institutlari uchun buxgalteriya hisobi va audit tashkiloti shariat, korporativ boshqaruv, buxgalteriya hisobi, audit va axloq qoidalarini yaratadi. Islomiy moliyaviy xizmatlar kengashi tartibga solish va nazorat qilish (likvidlilik, kapital yetarliligi, risklarni boshqarish va boshqalar) bilan shug‘ullanadi. Xalqaro islomiy moliya bozori esa islomiy moliyaviy vositalar bilan ta’minlaydi (Tovar murobahasi, foreks, foyda stavkalari almashinuvi va boshqalar).



Markaziy bank bosh mutaxassisi Adhamjon Haydarov O‘zbekistonda islomiy bank faoliyatini joriy qilishning o‘ziga xos xususiyatlariga to‘xtalib o‘tdi. Uning ma’lumotiga ko‘ra, mamlakatimizda mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko‘rsatish bo‘yicha talablar “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi qonun hamda tegishli nizomda belgilangan. Ushbu hujjatlarga muvofiq, mikromoliya tashkiloti maxsus kengash tuzishi, mijozlarga islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarning alohida jihatlari, ular bilan bog‘liq tavakkalchiliklar haqida tushuntirish berishi, qonunchilikda taqiqlangan va maxsus kengash ko‘rsatmalariga zid bo‘lgan tovarlar savdosi bilan shug‘ullanadigan faoliyat turini moliyalashtirmasligi, islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar ko‘rsatish bilan bog‘liq faoliyat bo‘yicha buxgalteriya hisobini alohida yuritishi, mijozdan to‘lovlar kechiktirilganligi uchun undirilgan neustoykani ham alohida hisobvaraqda yuritishi va uni mijoz nomidan xayriya maqsadlariga yo‘naltirishi zarur. Islomiy bank faoliyatini amalga oshirish uchun muayyan talablar ham o‘rnatilgan. Ya’ni islomiy bank ikkita — bank faoliyatini amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziya va islomiy bank faoliyatini amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziya olishi kerak. Shuningdek, bank dastlabki ruxsatnomani olish uchun talab etiladigan qo‘shimcha hujjatlarni - islomiy moliya kengashi va ichki islomiy moliya auditi nizomlari loyihalarini, bankning islomiy moliya kengashi a’zolari to‘g‘risidagi hamda bu a’zolarning malaka talablariga muvofiqligini baholash uchun zarur bo‘lgan axborotni tayyorlashi lozim. Bundan tashqari, islomiy bank ustaviga nisbatan qo‘shimcha talablar ham mavjud bo‘lib, ular islomiy moliya operatsiyalarining amalga oshirilishini ko‘zda tutish, islomiy moliya kengashi a’zolarining soni, ularning vakolatlari, vazifalarini belgilash, islomiy moliya kengashini tashkil etish tartibi va uning a’zolariga nisbatan qo‘yiladigan talablarni o‘rnatishdan iborat.

Bu jarayonda Markaziy bank zimmasiga ham vakolatlar yuklatiladi. Ya’ni uning vazifalari qatoriga bankka islomiy bank faoliyatini amalga oshirish huquqini taqdim etuvchi litsenziyani berish, islomiy moliya kengashini tashkil etish va uning faoliyatiga doir talablarni belgilash, islomiy bank faoliyatini amalga oshiruvchi banklarning likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash maqsadida islomiy moliya vositalaridan foydalanish, islomiy moliya standartlarini tasdiqlash, banklarda islomiy moliya standartlariga muvofiq bo‘lgan boshqaruv tizimini tashkillashtirish bo‘yicha talablarni belgilash, banklar islomiy moliya kengashini baholashdan o‘tkazish tartibini o‘rnatish va ularga nisbatan choralar hamda sanksiyalar qo‘llash kabilar qo‘shiladi.

Seminar yakunida Markaziy bank mas’ullari tomonidan deputatlar ko‘targan bir qator savollarga atroflicha javob qaytarilib, qo‘shimcha tushuntirishlar berildi. Ilgari surilgan dolzarb taklif-tavsiyalar asosida qonun loyihasi yanada takomillashtiriladigan bo‘ldi.

# Fond birjasida savdolar hajmi oshgan

Joriy yilning 9 oyi yakuniga ko‘ra, “Toshkent” respublika fond birjasi savdolarining umumiy hajmi 14,00 trillion so‘m (1,09 milliard dollar)ni tashkil etdi.

Bu 2024-yilning 9 oyiga nisbatan 10,39 trillion so‘mga yoki 4 barobarga ko‘pdir.

Ushbu hajmning 7,49 trln so‘mi (586,29 mln dollar) yoki 53,52 foizi birja kotirovkalash varag‘iga kiritilgan qimmatli qog‘ozlar bilan tuzilgan bitimlarga to‘g‘ri kelgan. Qolgan savdo hajmi uyushgan birjadan tashqari bozorda (listingdan tashqari savdo maydonchasi) tuzilgan bitimlar hisobiga shakllangan. Tuzilgan bitimlarning umumiy soni 328 375 tani tashkil etib, 2024-yilning mos davriga nisbatan nisbatan 68 285 taga yoki 17,21 foizga kamaygan. Shundan birja kotirovkalash varag‘iga kiritilgan qimmatli qog‘ozlar bilan 281 127 ta bitim, uyushgan listingdan tashqari bozorda esa 47 248 ta bitim tuzildi. O‘rtacha kunlik savdolar hajmi 74,49 mlrd so‘m (5,81 mln dollar) ni, o‘rtacha kunlik bitimlar soni esa 1 747 tani tashkil etgan. Davr yakuniga ko‘ra, UCI indeksi 7,01 foizga oshib, 701,05 punkt darajasida yopilgan.

Aksiyalar bozoridagi savdolar hajmi 6,83 trln so‘m (534,48 mln dollar)ni tashkil etib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 4,51 trln so‘mga yoki 3 barobarga ortgan. Savdolarning asosiy hajmi (6,49 trln so‘m) pulsiz hisob-kitoblar platformasi (Free of Payment Board, FoP) hissasiga to‘g‘ri kelgan. Aksiyalar bozorida savdolarning o‘rtacha kunlik hajmi 36,34 mlrd so‘m (2,84 mln dollar)ni, bitimlarning o‘rtacha kunlik soni esa 1 456 tani tashkil etgan. Aksiyalarning bozor kapitallashuvi 25,51 trln so‘mga yoki 11 foizga oshib, 267,93 trln so‘m (22,20 mlrd dollar)ni tashkil etib, erkin muomalada bo‘lgan aksiyalarning (free float) bozor kapitallashuvi esa 4,18 trln so‘mni tashkil qilgan. Joriy yilning 9 oyi davomida birja kotirovkalash varag‘iga 93 ta aksiya emitentining 135 ta instrumenti kiritilgan.

Korporativ obligatsiyalar bozoridagi savdolar hajmi 662,94 mlrd so‘m(51,80 mln dollar)ni tashkil etib, 2024-yilning 9 oyiga nisbatan 547,02mlrd so‘mga yoki 6 barobardan ko‘proqqa ko‘paygan. Obligatsiyalar bozorida savdolarning o‘rtacha kunlik hajmi 3,53 mlrd so‘mni, o‘rtacha kunlik bitimlar soni 39 tani tashkil etgan. Birja kotirovkalash varag‘iga kiritilgan obligatsiyalarning bozor qiymati 1,50 trln so‘m (124,66 mln dollar)ni tashkil qildi. Hisobot davri yakuni bo‘yicha birja kotirovkalash varag‘iga 11 ta obligatsiya emitentining 19 ta instrumenti kiritilgan.

Listing bo‘yicha o‘tgan 9 oyda birja kotirovkalash varag‘idan 102 ta emitentning 154 ta instrumenti joy olgan. Hisobot davrida 14 ta emitentning 18 ta yangi instrumenti - 8 ta korporativ obligatsiyalar va 10 ta aksiyalar chiqariluvi kiritilgan.

Birjaning listingdan tashqari savdo maydonchasida 9 oy mobaynida 47248 ta bitim tuzilgan, bu oldingi yilning shu davriga nisbatan 24 foizga ko‘pdir. Savdolar hajmi 6,51 trln so‘m (505,63 mln dollar)ni tashkil etgan va o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 6 baravarga oshgan. Jami 192 ta emitentning qimmatli qog‘ozlari bitimlar obyekti bo‘lgan.

По материалам издания Ритм Евразии | Автор статьи Рустам МАСАЛИЕВ.

# Узбекистан между ВТО и евразийской интеграцией



Известное издание Forbes известило о том, что среди немногих «победителей» недавних сентябрьских мероприятий Генеральной Ассамблеи ООН, безусловно, выделяется Узбекистан. Причина?

Президент страны Шавкат Мирзиёев лично встретился с президентом США Дональдом Трампом, да ещё и перед камерами. Произошло это после публикации DJT в социальных сетях, где американский лидер похвалил узбекского главу за подписание сделки на 8 млрд долларов на покупку самолетов Boeing Dreamliner, добавив, что это создаст более 35 тыс. рабочих мест в США. Д. Трамп настолько расчувствовался, что далее отметил: мол, «господин Мирзиёев – человек слова, и мы продолжим работать вместе по многим другим направлениям».

Чуть позже Ш. Мирзиёев провел круглый стол с ведущими американскими компаниями и финансовыми институтами для обсуждения дальнейших инвестиций и совместных проектов, руководители которых также не уставали нахваливать Ташкент за создание благоприятных условий для инвестиций и пообещали активное участие в предстоящих проектах во многих секторах.

Данное мероприятие завершилось церемонией обмена новыми торговыми, экономическими и инвестиционными соглашениями на более чем 100 млрд долларов в области авиации, биотехнологий и даже искусственного интеллекта, что, по оценке западных информационных ресурсов, «укрепило растущую репутацию Узбекистана как надежного партнера для предприятий США». По различным данным, с момента вступления Мирзиёева в должность президента страны двусторонний товарооборот увеличился в 4 раза, и к настоящему моменту в Узбекистане орудуют 300 американских компаний

Естественно, первое место в списке занимает добыча полезных ископаемых, особенно стратегических редкоземельных металлов (к слову, вице-президент Горной школы Колорадо встретился с президентом Узбекистана и договорился об открытии центра). Помимо горнодобывающей промышленности и переработки полезных ископаемых, американцев занимают аспекты банковского дела, информационных технологий, транспорта и энергетической инфраструктуры.

Тем самым, по оценке Forbes, укрепление позиций Узбекистана на международной арене напрямую связано с глобальными процессами. Коллективный Запад стремится повысить политический и экономический вес Центральной Азии, чтобы сбалансировать прежнее доминирование Москвы, Пекина и Тегерана. «И в этом контексте символичны усилия США по продвижению "коридора Трампа" – нового торгового маршрута, соединяющего Армению и Азербайджан и открывающего для региона выход к мировым рынкам в обход России, Ирана и Китая».

Forbes подчёркивает, что укрепление сотрудничества с Ташкентом обещает Западу, который в прошлом относился к нему как к тёмной зоне, погрязшей в незыблемых советских практиках и балансирующей на грани нестабильности, не только коммерческую выгоду, но и долгосрочные геостратегические дивиденды.

Визит в США Ш. Мирзиёева и подписание там 100-миллиардных соглашений следует рассматривать в русле попыток Узбекистана по институциональной интеграции в мировую экономику. Именно с этим связана встреча президента РУз с главой Всемирной торговой организации Нгози Оконджо-Ивеалой, во время которой обсуждались вопросы вступления Узбекистана в ВТО.



Стороны отметили положительную динамику переговоров со странами-членами организации, поскольку в настоящее время Ташкент активно работает над приведением своего законодательства в соответствие с нормами и правилами ВТО, включая сферы технического регулирования и пищевой безопасности. Более того, была подчеркнута важность продуктивного проведения следующего заседания рабочей группы в ноябре этого года и обозначена ключевая цель – завершить все переговоры и обеспечить вступление страны в эту организацию уже в следующем, 2026 году.

Напомним, что переговоры о вхождении Узбекистана в ВТО – организацию, способствующую либерализации торговли, урегулированию торговых споров и поддержке экономического роста путём установления прозрачных и предсказуемых торговых правил, начались ещё в 1994 году, но были приостановлены, а вновь возобновились в 2017 году.

Есть мнение, что подобный шаг даст некоторые гарантии Ташкенту от волюнтаристских решений коллективного Запада. Однако ведущие эксперты полагают, что намерение Узбекистана вступить во Всемирную торговую организацию может, наоборот, нанести непоправимый ущерб экономике страны. В частности, директор Центра исследовательских инициатив Ma'no Бахтиер Эргашев назвал ВТО «полумёртвой организацией», созданной в эпоху глобализации, и предупредил о рисках для узбекского бизнеса и промышленности. По его словам, организация создана для того, чтобы «обеспечить условия для перетока ресурсов из развивающихся стран в страны так называемого золотого миллиарда, где они должны перерабатываться, а потом в виде готовой продукции возвращаться на периферию... И если страна добровольно вступает в ВТО, она соглашается на то, что её экономика будет вскрыта, как консервная банка, для доступа транснациональных компаний... Разве ждут узбекские автомобили в Европе или Японии? Наш основной экспорт – золото, уран, металлы. Они и так продаются. А перерабатывающую промышленность нам развивать не дадут – никому не нужны конкуренты».

В связи с этим вместо Всемирной торговой организации Б. Эргашев предлагает сосредоточиться на таких региональных объединениях, как Евразийский экономический союз, вступление в который является более перспективным шагом: «ЕАЭС связывает страны транспортными и логистическими цепочками. Российский и казахстанский рынки очень интересны для узбекского бизнеса с точки зрения платежеспособного спроса».

Следовательно, по мнению специалиста, Узбекистану стоит делать ставку на региональное сотрудничество, а не на изжившие себя глобальные институты, так как укрепление экономических связей, формирование цепочек промышленной кооперации внутри Центральной Азии могли бы даже постепенно привести к идее создания здесь зоны свободной торговли.

Вероятно, к подобной точке зрения прислушиваются и на самом верху. В данном контексте интересным представляется лингвистический анализ выступления президента Узбекистана на упомянутой выше сессии Генеральной Ассамблеи ООН, проведённый Центром экономических исследований и реформ.

Данное исследование показывает, что в выступлении лидера страны центральное место занимало слово «максад», отражающее стратегическую направленность целей. Существенное внимание уделялось упоминаниям страны и национальных интересов («давлат»). Важным акцентом стала глобальная повестка и мировые вызовы («глобал»), указывая на стремление интегрировать национальные задачи в международный контекст. Распределение слов по тематическим блокам показало, что глава государства акцентировал внимание, прежде всего, на региональном сотрудничестве в Центральной Азии, вопросах транспорта и экологической повестке.

Примерно об этом в ходе выступления на пленарной сессии международной выставки «Иннопром. Беларусь» 30 сентября говорил и премьер-министр



Узбекистана Абдулла Арипов. Он сообщил, что лидер страны уделяет большое внимание развитию многопланового сотрудничества с партнёрами по СНГ и ЕАЭС, в частности, реализуются значимые проекты промышленной кооперации в реальном секторе экономики. Совокупный портфель превышает 600 совместных проектов на сумму 70 млрд долларов.

Премьер-министр Узбекистана также подчеркнул, что его страна обладает значительной минерально-сырьевой базой и создаёт в Ташкентской и Самаркандской областях технопарки «Металлы будущего», и пригласил партнёров к реализации совместных проектов по производству продукции с высокой добавленной стоимостью.

Показательно, что Ташкент в сотрудничестве со странами ЕАЭС не только не замыкается на таких ключевых направлениях, как развитие технологических минералов, энергетики и цифровых технологий, но и высказывает готовность к взаимодействию в массе других сфер.

Например, на заседании Евразийского межправсовета в Минске 30 сентября премьер-министр Узбекистана сообщил, что Ташкент подготовил проект программы кооперации со странами Евразийского экономического союза в аграрной сфере. А. Арипов выразил уверенность, что реализация программы позволит существенно укрепить продовольственную устойчивость и расширить взаимную торговлю аграрной продукцией между Ташкентом и странами Союза.

Все эти факты показывают, что официальный Ташкент еще находится на стадии выбора и не форсирует вступления в ВТО. Власти Узбекистана видят серьезные выгоды и от полноценного членства в ЕАЭС, в котором страна – напомним – пребывает пока в статусе наблюдателя.






Davlat Soliq Qo'mitasi

# Savdo sohasidagi korxonalar 23 trln so‘mga yaqin soliq to‘ladi

**2025-yil yanvar-avgust oylarida savdo faoliyati bilan shug‘ullanuvchi 148 134 ta yuridik shaxs tomonidan 22,9 trln so‘mdan ortiq soliq to‘langan. Shundan 1,8 trln so‘mi, ya’ni 8,2%i 20 ta korxona hisobiga to‘g‘ri keladi. Ularning jami tovar aylanmasi 35,8 trln so‘mni, qo‘llanilgan soliq imtiyozlari esa 241,4 mlrd so‘mni tashkil etgan.**

**Ushbu 20 ta soliq to'lovchi tomonidan to‘langan tushumlar soliq turlari kesimida:**

- QQS – 646,5 mlrd so‘m;
- aksiz solig‘i - 432,4 mlrd so‘m;
- foyda solig'i – 340,1 mlrd so‘m;
- JShODS - 261,8 mlrd so‘m;
- ijtimoiy soliq - 158,4 mlrd so‘m;
- mol-mulk solig‘i - 22,8 mlrd so‘m;
- boshqa soliqlar - 11,9 mlrd so‘m.

## 2025-yil yanvar-avgust oylarida savdo sohasida eng ko‘p soliq to‘lagan top-20 korxona (mlrd so‘mda)


**YURIDIK SHAXSLAR SONI** **148 134**

| Tovar aylanmasi | To‘langan soliqlar | Soliq imtiyozlari |
|---|---|---|
| 511 672,6 | 22 928,9 | 4 169,1 |

**SHUNDAN, TOP-20 SOLIQ TO‘LOVCHI BO‘YICHA**

| Tovar aylanmasi | To‘langan soliqlar | Soliq imtiyozlari |
|---|---|---|
| 35 808,3 | 1 873,9 | 241,4 |
| Jami summadagi ulushi | | |
| 7,0% | 8,2% | 5,8% |

**TOP 20 TUSHUMLARI**
(soliq turlari bo‘yicha)




| | |
|---|---|
| Qo‘shilgan qiymat solig‘i | 646,5 |
| Aksiz solig‘i | 432,4 |
| Foyda solig‘i | 340,1 |
| Jismoniy shxslardan olinadigan daromad solig‘i | 261,8 |
| Ijtimoiy soliq | 158,4 |
| Mol-mulk solig‘i | 22,8 |
| Boshqa soliqlar | 11,9 |

**ENG KO‘P SOLIQ TO‘LAGAN TOP 20**

to‘langan soliqlar

1. "ANGLESEY FOOD" MChJ XK — 259,6
2. "TOTAL OIL INVEST" MChJ — 211,2
3. "UZUM MARKET" MChJ XK — 154,4
4. "UNG PETRO" MChJ — 130,7
5. "NAMANGAN-ISTIQLOL BOG‘I" MChJ — 128,0
6. "ASR AND CO" MChJ — 110,8
7. "INTERMAX PETROLEUM" MChJ — 100,7
8. "ALIF MOLIYA" MChJ — 83,0
9. "GRAND PHARM TRADE" MChJ — 76,9
10. "NESTLE FOOD" MChJ XK — 72,3
11. "BALTON TRADING (ASIA)" MChJ XK — 69,2
12. "SAMSUNG ELECTRONICS UZBEKISTAN" MChJ XORIJIY KORXONA — 61,3
13. "LUKOIL UZNEFTEPRODUKT" MChJ — 61,1
14. "ANGREN CHARM INVEST" MChJ QK — 57,8
15. "AC ENERGY" MChJ — 54,1
16. "COSMO SALES" XK — 53,1
17. "LACTALIS CENTRAL ASIA" MChJ XK — 51,5
18. "HAVAS FOOD QO‘SHMA KORXONA" MChJ — 47,0
19. "PETRO TRADE BP" MChJ — 46,8
20. "SIRDARYO KO‘MIR INVEST" MChJ — 45,4

**Таъсисчи**
Давлат активларини бошқариш агентлиги
**“Бизнес-Daily Медиа”**
ноширлик уйи МЧЖ

Бош директор в.в.б. Бош муҳаррир
**У. ПУЛАТОВ**

**Мурожаат учун**
**Тел.:** +998 (99) 353-55-54
**E-mail:** biznesdm 2020@gmail.com
**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уй.

Газета 1994 йил 31 августдан чиқа бошлаган.

2013 йил 12 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0064-сон билан қайта рўйхатдан ўтган.

2025 йилдан бошлаб газета PDF электрон шаклда чиқади. Нашр даврийлиги: ҳафтада икки марта – ҳар сешанба ва пайшанба кунлари. Формат А3 (816x406)

© Biznes Daily “Биржа”дан кўчириб босиш фақат

“Бизнес-Daily Медиа” НУ МЧЖ рухсати билан амалга оширилади.

Газета жамият матбаа бўлимида терилди ва саҳифаланди.

© Biznes Daily “Биржа” оригинал макети.

Газета текин тарқатилади

telegram
BIZNES DAILY BIRJA